



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 8 август, № 159 (8782)

Пайшанба



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташири билан Қозоғистонга келди.

Остона халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кутиб олди.

8 август куни икки мамлакат етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш, сиёсат, савдо-иқтисодиёт,

инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинади.

Дастурга мувофиқ Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва «Марказий Осиё + Япония» форматидаги мулоқотда иштирок этиш ҳам режалаштирилган.

ЎзА.



ЮЙ ЦЗОНЬ, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАШГА ТАЙЁР



Яқинда ХКП Марказий Қўмитасининг йигирманчи чақириқ учинчи пленуми бўлиб ўтди. Йиғилиш якунида ислохотларни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва Хитой модернизациясини илгари суришти бўйича салмоқли режа ишлаб чиқилди. Ушбу пленум Хитойнинг юқори даражали ривожланиши, ислохотлар ва очиклик сиёсатида қатъий риоя қилишига, шунингдек, дунёнинг барча мамлақати, жумладан, Ўзбекистон билан биргаликда тараққиёт ва фаровонлик учун ҳамма имкониятни баҳам кўришига кучли тўртки берди.

Ўзбекистон — Қозоғистон: ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРДА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР ТўПЛАМИ

Остона шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доираларининг 300 дан ортиқ вакиллари иштирокида қўшма бизнес-форум бўлиб ўтди.

Форум

Анжумани Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ва Қозоғистон Бош вазири ўринбосари Серик Жуманғарин олиб борди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев бундай тадбирлар икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга кучли тўртки беришини таъкидлади. Қозоғистон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири эканини эътироф этди.

Икки мамлакат ўртасида саноат кооперацияси фаол ривожланиб, умумий қиймати 3,1 миллиард долларлик 69 та лойиҳа ва 14 700 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши назарда тулади. Машиини техника, юк ва енгил автомобиллар, тракторлар ишлаб чиқариш бўйича 217 миллион долларлик 12 та қўшма лойиҳа



муваффақиятли амалга оширилди. Фаол босқичда умумий қиймати 178 миллион доллардан зиёд бўлган 3 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Тараз шаҳрида 500 минг тонна пўлат буумлар ишлаб чиқариш қувватига эга электрометаллургия заводи ва Чимкент шаҳрида инфузион эритмалар ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд.

Ўзбекистон Қозоғистонга мевасабзавот маҳсулотларини етказиб берувчи асосий давлат хисобланади. Мамлакатимиздан агросаноат маҳсулотларини етказиб беришни ривожлантириш мақсадида тез бузиладиган юкларни ташишда «UZKAZTRADE» қўшма корхонасига транспорт ҳаракати устуворлигини таъминлаш имкониятлари кўриб чиқилади.

«Марказий Осиё + Япония»: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ ЙўЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 9 август куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган «Марказий Осиё + Япония» мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

Мазкур мулоқот 20 йилдан буён ўтказилаётган бўлиб, у Япониянинг собиқ ташки ишлар вазири Йорико Кавагучининг 2004 йил 26 августда Тошкентга ташири чоғида ташкил этилган. Айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида Япония ва Марказий Осиёнинг бешта

давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ўртасидаги ушбу ноёб формат ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун муҳим платформага айланди.

Мулоқотдан қўзланган асосий мақсад Япония ва минтақа давлатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқти-

содий алоқаларни, маданий-гуманитар алмашувни кенгайтиришдан иборат.

Япониянинг минтақамизга бўлган юқори қизиқиши Марказий Осиёнинг стратегик жойлашуви туфайли халқаро майдонда катта роль ўйнаши билан изоҳланади. Минтақа қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси бўлиб, тарихда турли маданият ва халқларнинг ўзаро таъсири ва алмашувини манзилли сифатида ном қозонган. Бугунги кунда минтақанинг барқарорлиги ва хавфсизлиги

халқаро ҳамжамият, жумладан, Япония учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлақатлари минтақанинг барқарор ривожланишига эришиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар доирасида «одамларга инвестиция киритиш», «ўзаро боглиқлик» ва «ўсиш сифати»га алоҳида эътибор қаратаётган, янги ривожланиш моделини илгари сураётган Япония каби ҳамкор мамлакат билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

НИГОХ ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ МУНТАЗАМ МУЛОҚОТИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

«Казинформ» халқаро ахборот агентлиги икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган тахлилий мақола эълон қилди. Унда икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқоти Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланган.

«Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари 1998 йил 31 октябрда тузилган Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Абдий дўстлик тўғрисидаги шартномадир. Шунингдек, 2013 йил июнь ойида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2022 йил декабрда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди», дейилади агентлик тарқатган материалда.

Шунингдек, мақолада парламентлараро ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги ҳолати чуқур тахлил қилинган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2023 йил якунига кўра 4,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, деб таъкидланган нашрда.

«Айни пайтда Қозоғистон ва Ўзбекистон инвестициявий ҳамкорликни фаол кенгайтирмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида икки томонлама инвестициялар ҳажми 86,2 млн. долларни ташкил қилди, бу

2022 йилдагига нисбатан 14,3 фоизга кўпдир», деб қайд этилган маънода.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида маданий алмашув ва илмий соҳадаги алоқаларни янада жадаллаштириш учун катта салоҳият мавжудлигига ўргу берилган. Хусусан, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро музейларида қозоқ халқи ҳаёти ва маданиятига оид 500 га яқин экспонатлар ўрин олгани маълум қилинди. Айни чоғда Қозоғистонда ўзбек тилида 10 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари чоп этилаётгани ва Ўзбекистонда қозоқ телеканалларини мамлакат аҳолисининг қарийб 10 фоизи томоша қилиши баён этилган. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида очилган янги ҳаво қатновларига эътибор қаратилган.

«Қазақстанская правда» умумий миллий газетасида ушбу мавзуда босилган мақолада ёзилишича, икки давлат ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини амалий мазмун билан тўлдириш зарур.

Нашрда икки давлат раҳбарларининг иродаси туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида юқори даражадаги сиёсий ишонч шаклланиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳеч қандай сиёсий вазиятга дуч келмаслиги ва изчил мустаҳкамланиб боришини кафолатлаётгани таъкидланган.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?

Жаҳон таърибасидан маълумки, сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият ўртасида ўзаро ўз-ўйлиқни таъминлашда очик ва шаффоф кўринишдаги сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларини демократик тарзда шакллантиришнинг энг муҳим шакли, бу — сайловлар.



Мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим бўлган сайлов жараёнларининг ҳар бир элементи Конституция даражасида мустаҳкамланган. Хусусан, Асосий Қонунда фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи бўлган сайлов ҳуқуқининг демократик принциплари белгиланган.

34 320 ўринли 67 та талабалар тураржойи қурилмоқда

2024/2025 ўқув йилида талабаларни муносиб кутиб олиш ва уларни тураржой билан тезкор таъминлаш бўйича юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг 1 августидан 10 сентябргача «Долзарб қирқ кунлик» деб эълон қилинди.

Бунда:

- 15 августдан бошлаб барча олий таълим муассасасининг асосий бинолари ва талабалар тураржойларига кириш қисмларига камида 4 та жойда «Талабалар тураржойларига жойлаштириш учун ёрдам кўрсатиш марказлари (инфокиосклар)» ташкил этилади;
- ижара хонадонлари базаси шакллантирилади;
- талабаларнинг гуруҳ тўртлари орқали ижара хонадонларига жойлашишига кўмаклашилади;
- олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида янги топилган ижара уйлари рўйхати ва ижара уйлари ҳақидаги маълумотлар эълон қилинади.



Маълумот учун: ҳозирги кунда 112 та олийгоҳда жами 338 та талабалар тураржойи мавжуд бўлиб, уларнинг сигими 127 792 ўринни ташкил этмоқда. Айни пайтда 34 320 ўринли 67 та талабалар тураржойини қуриш ишлари олиб боришмоқда.

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги.

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ МУНТАЗАМ МУЛОҚОТИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Хосан ПАЙДОЕВ «Халқ сўзи» олган сурат.

«Қозоғистон ва Ўзбекистон ўз олдига товар айирбошлаш ҳажмини 10 млрд долларга етказишни мақсад қилиб қўйган. Унга эришиш учун томонлар товарлар таркибини кенгайтириш ва савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш чораларини кўришга қарор қилди. Санноат, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам қўша лойиҳалар амалга оширилмоқда», дейилади мақолада.

Мақолада Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти (СМТИ) директори Элдор Ариповнинг ушбу сиёсий мулоқот институционал асосга эга бўлгани — Олий давлатларо кенгаши тузилгани, таъриф давомида унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиши ҳақидаги фикрлари ҳам ўрин олган.

«Қозоғистон ва Ўзбекистон энг муҳим савдо шерикларидир. Ўзбекистон учун Қозоғистон ҳамisha унча йирик савдо-иқтисодий шериклардан бири бўлиб келган, шу боис таъриф натижасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича янги келишувларга эришилади. Қўша инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишларга янги суръат бағишлайди», дея СМТИ директори фикридан иқтибос келтирилади.

Газетада, шунингдек, Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар институти директори Еркин Тукумовнинг қуйидаги сўзлари ўрин олган: «Ресурслар, иқтисодий қўлама ва географик салоҳиятини ҳисобга олади-қисқа бўлса, Қозоғистон ва Ўзбекистон объектив равишда ҳамкорлик ва минтақавий шерикликнинг лоқомливири ҳисобланади. Минтақавий

яқиндан танишиш имконини тақдим бошқа иштирокчилари бизга қарашади, шунинг учун минтақавий интеграция муваффақияти, эҳтимол, бизнинг икки томонлама ҳамкорлигимизга қанчалик чуқур ва қанчалик сифатли ёндашишимизга боғлиқ. Бу катта масъулият — ўткинчи кайфиятларга берилмаслик, балки стратегик нуктага назардан истиқболга қараш керак. Қолаверса, биз инфратузилма соҳасида, умумий характердаги муаммоларни энг би-ўтишда мумкин бўлган йирик лойиҳаларни бирлашиш орқалигина ҳал қила оламиз, деб ўйлайман».

Мамлакатдаги оммабоб «24KZ» янгиликлар канали, ўз навбатида, Қозоғистон Миллий музейида очилган ўзбек рассомлари асарлари кўргазмаси ҳақидаги хабарни ўз ўқувчилари ўртасида тарқатди.

Миллий музейи Ўзбекистоннинг 200 га яқин рангтаъсир ва халқ амалии санъати асарлари жойлаштирилди, дейилади канал ахборотида.

«Ўзбекистонлик уста ва рассомларнинг уч авлоди ижоди кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Кўргазма кенг қўлама жанр ва техникаларни қамраб олади: аъёнани миниятурадан тортиб — замонавий санъатгача. 8 августга қадар давом этадиган кўргазма қозоғистонликларга Ўзбекистоннинг маданияти ва тарихий аъёналари билан

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАШГА ТАЙЁР

Хитой ана шу эзгу мақсадга етишишда тинч тараққиёт йўлидан оғинамай боради.

Мамлакат ўзининг мустақил ва дўстона ташқи сиёсатида қатъий амал қилади, давлат суверенитети, хавфсизлиги ва тараққиёти манфаатларини қатъий ҳимоя қилади. Массулиятли давлат сифатида Хитой суверен тенглик, ўзаро ҳурмат, адолат, очкилик ва инклюзивлик тамойилларига содиқ, тинчлик ва инсоният тараққиёти йўлида доим собитдир. «Бир макон, бир йўл» ташаббусини йўлга қўйишдан бошлаб, глобал тараққиёт, глобал хавфсизлик ва глобал цивилизация ташаббусларига қадар, ХХР инсониятнинг ягона ҳамжамиятини барпо қилишда етакчи ролни ўз зиммасига олди. Бугун мамлакат умумбашарий кадриятларни амалиётга татбиқ этмоқда, тенг ҳуқуқли ва кўп қутбли дунё, шунингдек, ҳамма учун очик ва инклюзив иқтисодий глобаллашув, глобал бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда иштирок этиш, жаҳон тараққиётига янги суръат бағишлаш тарафдоридир.

Хитой ва Ўзбекистон — умумий мақсадга эга бўлган мамлакатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилувчи ишончли шерик ва бир-бирини қўллаб-қувватловчи яхши дўстлар сифатида модернизация йўлида ёнма-ён бормоқда. Ислохотларни чуқурлаштириш ва очкиликни кенгайтириш иккала томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон Миллий манфаатларга мос тараққиёт йўлидан бормоқда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда муҳим ислохотларни амалга оширмоқда. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсадлар рўёби сари қатъий интилмоқда. Бу давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини сезиларли даражада яхшилаш, халқро ва минтақавий нуфузини ошириш имконини берапти.

Жорий йилнинг январь ойида Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифи билан борган эди. Учрашувда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтаришга келишиб олдилар. Томонларнинг биргаликдаги келишувлари туфайли икки давлат раҳбарларининг консенсус ҳамда қарашлари ҳаракат ва натижага айланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида икки томоннинг савдо ва инвестициялари ўсишда давом этди. Ўзбекистонда Хитой корхоналари сони изчил кўпаймоқда, муҳим ҳамкорлик лойиҳалари илгари сурилмоқда. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси доирасида уч томонлама ҳужуматларо битим имзоланди.

Томонлар энергетика, инфратузилма қурилиши, замонавий қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Таълим, маданият ва худудларо алмасишларни амалга оширмоқда, шу тариқа ўзаро алоқалар қўлама кенгайишда давом этмоқда.

Бундан бун ҳам Хитой Ўзбекистон билан биргаликда «Бир макон, бир йўл» ташаббуси ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини уйғунлигини чуқурлаштириш, модернизация йўлида бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлашда давом этиш, ҳамкорликнинг янги бобини биргаликда очиб, ривожланиш имкониятларини баҳам кўриш ва икки томонлама муносабатлар тараққиётига янги суръат бағишлашга тайёр.

Ўзбекистон — Қозоғистон: ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРДА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР ТўПЛАМИ

Ўзбекистон Қозоғистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидан бири бўлиб, 2023 йилда 7-ўринни эгаллади. Кейинги беш йил ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 29 фоизга ошди ва 2022 йилда 5 миллиард долларга етди. «Эндиги вазира давлатларимиз раҳбарлари томонидан қўйилган мақсад — ўрта муддатли истиқболда 10 миллиард долларга эришишга ҳаракат қилишимиз керак», деди Серик Жуманғарин.

Форумда икки мамлакат вазирликлари, идоралари, тармоқ бирлашмалари ва худудлар раҳбарлари ҳам иштирок этди. Автомобилсозлик, электротехника, фармацевтика,

«Марказий Осиё + Япония»: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ ЙўЛИДА

Бугунги кунга қадар ташқи ишлар вазирлари даражасида «Марказий Осиё + Япония» мулоқотининг тўққизта учрашуви ўтказилган. Уларнинг якунлари бўйича ўзаро муносабатларнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди, қисқа ва ўрта муддатли вазифаларни белгилаб берган Ҳаракат режаси тасдиқланди.

Мулоқот доирасида Япония савдо ва инвестициялар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, табиий офатларни бошқариш, қишлоқ хўжалиги ва барқарор ривожланиш, шунингдек, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш, Марказий Осиёда чегараларни бошқариш йўналишларида минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам бермоқда.

Бундан ташқари, мулоқот доирасида вазир ўринбосарлари даражасидаги шахсларнинг 16 та учрашуви, 11 та «Токио интеллектуал мулоқоти», саноат тармоқлари экспертларининг 7 та учрашуви ва 2 та бизнес мулоқоти ташкил этилди. 2023 йил сентябрь ойида биринчи Иқтисодий ва энергетика мулоқоти бўлиб ўтди. Унда энергия алмашинуви ва 2050 йилга бо-

риб тоза ноль эмиссияга эришиш ташаббусини тезлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қисқача айтганда, Остона шаҳрида давлат раҳбарлари даражасида бўлиб ўтадиган «Марказий Осиё + Япония» мулоқотининг биринчи саммити сўнгги йиғирма йилликдаги муносабатларни сарҳисоб қилиш, шунингдек, яқин ва ўрта муддатли истиқболда турли соҳаларда ўзаро манфаатли шериклик стратегиясини ва янги йўналишларни белгилаб олиш имконини беради.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?

Унга қўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Хар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўридан-тўри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тулган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Конституцияда айрим истисно ҳолатлар ҳам белгиланган. Унга қўра суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолатда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилганлик учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолатда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайлов тизимининг халқчиллиги, барча учун тушунарли ва қулай бўлиши фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш имкониятини яратди. Демократиянинг энг муҳим принципи — давлат ҳаётида иштирок этишга, давлатни бошқариш жараёнига фуқароларни мунтазам жалб қилишдир. Мазкур принципнинг амалга оширилиши дастлаб сайловларнинг ҳай даражада ўтказилиши билан боғлиқ.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган аралаш сайлов тизимини жорий этишга замин яратди. Шу боис 2023 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибининг янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Сайлов кодекси ва

амалдаги етти қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра мамлакатимизда олий вакиллик органи қўйи палатасини шакллантиришда аралаш сайлов тизими жорий этилди.

Хўш, аралаш сайлов тизими мамлакатимизда мавжуд бўлган мажоритар сайлов тизимидан қандай фарқи бор? Унинг афзалликлари нималардан иборат?

Хорижий мамлакатлар амалиётидан маълумки, дунёда мажоритар, пропорционал ҳамда аралаш сайлов тизимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос афзаллик ва бахтсизлик томонлар бор. Аралаш сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг элементларини бирлаштирган ҳолда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳамда сиёсий вакилликнинг адолатли ва барқарор бўлишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Жанубий Корея, Бельгия, Венгрия, Россия, Германия каби давлатлардаги сайловлар аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади.

Хусусан, мажоритар сайлов тизимида сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан номзодни илгари суради ва бир мандатли сайлов округларидан битта номзод сайланади. Бунда ушбу сайлов округдаги сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги (50 фоиз + 1 овоз) ёқлаб овоз берган тақдирдагина номзод депутат этиб сайланиши назарда тутилди.

Мамлакатимиздаги янгиланган сайлов тизими бўйича ушбу талаб ўзгарган, яъни навбатдаги сайловлар мутлақ кўпчилик овоз бериш шаклида эмас, балки нисбий кўпчилик овоз бериш шаклида ўтказилади. Бунда бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Бу эса сайловлардаги такрорий овоз беришлар, бюджет харажатларини тежашга имкон беради.

Хозирга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 та худудий сайлов округи тузилар ва уларнинг ҳар биридан биттадан депутат сайланар эди. Эндиликда Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (партия рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши белгиланди.

Сайлов кодексида мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлиги сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга овоз бериш билан бир қаторда, ўзи қўллаб-қувватлайдиган сиёсий партияга ҳам овоз беради. Сайлов якунида барча сиёсий партияларга овоз берган сайловчилар сони, ҳар бир сиёсий партияга берилган овозлар сони ҳамда шунга мутаносиб равишда ҳар бир сиёсий партияга ажратиладиган депутатлик ўринлари сони ҳам аниқланади.

Ушбу жараёнда Марказий сайлов комиссияси муҳим вазифаларни бажаради. Хусусан, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни, шунингдек, партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ташкил этади.

Қонунчилик мувофиқ партия рўйхатини рўйхатга олиш учун тегишли ҳужжатлар сиёсий партиянинг ваколатли вакили томонидан рўйхатга олиш муддати туғашига қамда етти кун қолгунга қадар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади. Партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида туғалланади.

Сайлов тизимининг аҳолининг ҳар бир кўнун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибининг янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун билан Сайлов кодекси ва

амалдаги етти қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра мамлакатимизда олий вакиллик органи қўйи палатасини шакллантиришда аралаш сайлов тизими жорий этилди.

Сайлов кодексида мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлиги сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга овоз бериш билан бир қаторда, ўзи қўллаб-қувватлайдиган сиёсий партияга ҳам овоз беради. Сайлов якунида барча сиёсий партияларга овоз берган сайловчилар сони, ҳар бир сиёсий партияга берилган овозлар сони ҳамда шунга мутаносиб равишда ҳар бир сиёсий партияга ажратиладиган депутатлик ўринлари сони ҳам аниқланади.

Ушбу жараёнда Марказий сайлов комиссияси муҳим вазифаларни бажаради. Хусусан, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни, шунингдек, партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ташкил этади.

Сайлов кодексида мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлиги сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга овоз бериш билан бир қаторда, ўзи қўллаб-қувватлайдиган сиёсий партияга ҳам овоз беради. Сайлов якунида барча сиёсий партияларга овоз берган сайловчилар сони, ҳар бир сиёсий партияга берилган овозлар сони ҳамда шунга мутаносиб равишда ҳар бир сиёсий партияга ажратиладиган депутатлик ўринлари сони ҳам аниқланади.

Ушбу жараёнда Марказий сайлов комиссияси муҳим вазифаларни бажаради. Хусусан, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни, шунингдек, партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ташкил этади.

Сайлов кодексида мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлиги сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга овоз бериш билан бир қаторда, ўзи қўллаб-қувватлайдиган сиёсий партияга ҳам овоз беради. Сайлов якунида барча сиёсий партияларга овоз берган сайловчилар сони, ҳар бир сиёсий партияга берилган овозлар сони ҳамда шунга мутаносиб равишда ҳар бир сиёсий партияга ажратиладиган депутатлик ўринлари сони ҳам аниқланади.

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги олдида

БИРЛАШГАН БИРЛИКДА МУРОДГА ЕТГАЙ

Бир инсоннинг, бир оиланинг элу юртдан айро яшаб, бахтли бўлишини тасаввур қилиш мушкул бўлганидек, бир миллат ахлининг ўзга элу элатдан, қавму қариндошлардан холи яшашини ҳам кўз ўнгимизга келтиролмаймиз. Бобомерос ҳикматларимиз бисёр. "Одам одам билан тирик", деган нақл ана шу силсилага мансуб. Демак, қардош қардош билан, халқлар халқлар билан дўстликда, ҳамжиҳатликда гуллаб-яшнайдди, барқарор бўлади. Қуйидаги битиклар ҳам аини шу фикрлар ифодаси ўлароқ қозғога кўчганди:

Бу дунёни асраб бўлмас кўз ёш билан, Тонг жамоли кулиб чиққан кўш билан. Халқлар асли халқ бўлган қардош билан, Ўзбекман, деб санасам беш бармоғимни, Кўрдим, туркман, тожик, қирғиз, қозғоғимни.



Махмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

қийта эришиш нақадар улуг бахту одат ва шарафдир. Шунингдек, бу катта масъулият эканини чуқур ҳис этмоқдамиз.

"Масъулият" деганда нимани назарда тутяпмиз? Аввало, тинчлигимиз, бирлигимизни асрашда юртимиз ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришида ҳар биримизнинг нуносиб

бориб-келмоқда. Аввалгидек тўсиқлар, ўтиб бўлмас деворлар бугун бутунлай олиб ташланган, дўстлик эшикларини ланг очилган.

Бу кутлуг кунлар, бу ҳуррият, бу шуқуҳли онлар осмондан тушгани йўқ. Бу гапларни жуда кўп тадбир ва уррашуларда айтишдан уялмаймиз. Чунки бу айтиб турилмаса, унутилади — одам тонга етганида тунни унутди, яхши кунларга борганида офир дамларни эсдан чиқаради... Утган 33 йилдаги аламли йўқотишлар, қўшни давлатлар билан ўзаро келишмовчиликлар шу қадар ортиб кетгандики, Худо кўрсатмасин, кимдир четдан туриб учун чикарас, ҳамма ёқ аланга ичда қоларди. Боиси нафақат чегаралар симтулрлар билан қаттиқ ўралган, балки миналаштирилган, кўзлару қалбларга ҳам қора парда тортишга уринишлар авҳида эди. Укага шундоққина чегаранинг бу бетиди яшаётган акани, синглиси ёки бошқа қариндошини кўриш қатъиян тақиқланган, бу

эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда".

Бахтимиз шундаки, бугун ана шу ишонч, яна аҳиллик, ўзаро ҳамкорлигу ҳамфикрлик, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳалардаги тараққиёт халқларимиз кўсини тоғдек кўтармоқда. Бирдамликнинг нақадар бебаҳо нозмат эканини ҳаётнинг, даври замоннинг ўзи кўрсатиб қўймоқда.

Янги Ўзбекистон деган давлат ва унинг оқил раҳнамоси томонидан бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилида ўзбекона халоллик, ўзбекона мардлик, ўзбекона мулоҳаза, мушоҳада, етти ўлчаб бир кесиб билан айтаётган эзгу ниятлар, эзгу ишлар, эзгу амаллар, тараққийпарвар ташаббуслар бутун оламга маълуму манзур бўлмоқда. Хатто дунёнинг манаман деган сиёсатчиларию сиёсатшунослари, ўзини кўҳна деб билган халқлар эътиборио эҳтиромга, эъзозига сазовор бўлмоқда; меҳнатига яраша барака, қадриятига яраша қадр топлмоқда; илму ҳикматига яраша азизу муқаррам бўлмоқда.

Зеро, қарорда келтирилганидек, "барчамиз инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги ҳаётнинг қирғиш йўлида қўлга киритган зафарларимизни мустақил тараққиёт госяига ҳаммаша содиқ, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти маҳсули деб биламиз ва ана шундай олижаноб элнинг фарзандлари эканимиздан чеқсиз фахрланамиз".

Шу боис биз мустақиллигимизнинг 33 йиллик шодиёналарини чеқсиз қувонч, қатъий ишонч, юксак ифтихор билан байрам қиламиз. Бугун сизу бизга, бутун Ўзбекистон халқига ана шундай фараҳли онлар, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч туйғуси ярашади. Уйлаймики, бугунги мураккаб ва қалтис сиёсий қарама-қаршиликлар домига тортилаётган дунёда ўзликни асраш, мустақиллиқни қўлдан бермасликнинг бирдан бир йўли — бу бир байроқ ва бир байроқдор атрофида бирилашшидир. Биз қанчалик кучли бириласак, жипсласак, ягона давлат, яқдил халқ ўлароқ жадал тараққий этсак, шунчалик мустаҳкам сиёсий имунитетга эга бўламиз. Бизни ҳеч қандай мафкуравий бўҳронлар, геосиёсий тўфонлар гораг этолмайди, бўқолмайди, йўлимиздан адаштира олмайди. Мустақиллигимиз том маънода абадий бўлади. Чунки бирилашган бирликда муродга етгай.

“Хар йили халқимиз, айниқса, зиёлилар Президентимизнинг мустақиллик байрамини кўтаришда руҳда ўтказишга тайёргарлик кўриш борасидаги қарорини орзиқиб кутади. Чунки бу байрам эркимизни тиклаган, бағрикенг халқ сифатида 130 дан ортиқ миллату элтни жамулжам қилган, давлат сифатида ўз йўлига, ўз қудратига эга, тенглар ичра тенг этиб, юксак тараққиёт имкониятини яратётган байрам.”

ҳиссамиз, ўзимизнинг ўрнимиз бўлмоғи даркор. Чунки бу кутлуг байрамнинг бош госяси, яъни "Бир бўлсак — ягона халқимиз, бириласак — Ватанимиз!" деган улугвор сўзлар ана шу эзгу саъй-ҳаракатларга қаратилган.

Шундай муборак кунларда, тан олиб айтишимиз керак, Юртбошимиз раҳнамолигида нафақат Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат ахли бирилашди, жипслашди, янги Ўзбекистоннинг янги қудратига айланди, балки қардошларимиз биз билангина эмас, қўшни давлатлар ҳам бири-бирлари билан янада аҳил-иноқ бўла бошладилар. Марказий Осиё бир мушг атрофида яқдиллашмоқда. Бу эса, албатта, атрофдаги кўллаб мамлакатларнинг ҳам ҳавасига, ҳам ҳасадига сабаб бўлаётгани сир эмас. Муҳими, юртдошларимиз қўшни республикаларга қарийб эмин-эркин

камида жинойи жавобгарликка тортилиш билан яқунланарди.

Гарчи бугунги дориламон замонда ўша дамларни кўп эсламасак-да, бир-бир халқимизга бу тарихий ҳақиқатларни ҳам худди юзига кўзгу тутгандек айтиб туриш керак. Шунда бугунги кунлар қадри, борди-келди, дўстлик каби олий хислатларнинг ўрни янада ортади. Асосийси, бирлик, яқдилликдек тўлқин, кучга эга бўлсак, жипси четдан туриб ҳеч ким йўйноқ қилолмаслиги, иродаимизни қайиролмаслиги, танлаган йўлимиздан оғдирилмаслигига гувоҳ бўламиз.

Шубҳасиз, қарорда таъкидланганидек, "халқимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат борасидаги туб ўзгаришлар, эришилаётган амалий натижалар халқаро ҳамжиҳат томонидан

Ўзбекона бағрикенглик бизга азалаздан мерос. Борини баҳам кўриш, қўни-қўшинга илиниш, меҳру оқибатга раҳна солмаслик, ёлғизларнинг аҳолидан хабар олиш, беморларни йўқлаш, ўзига тиланган эзгу ниятни ўзгаларга ҳам тиллаш, қисқача айтганда, одамийлик аъмолларига рияз қилиш ўзбекининг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардир. Шу боис миллат сифатида ҳаммаша юзимиз ёруғ. Дўста қўлимиз кўксимизда, меҳмонга дастурхонимиз ёзиглик, эшигимиз очик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини ўқиган ҳар бир одам жонаҳон миллатини, табарруқ Ватанимизни янада зиёда севиб қолади, бу байрамнинг аҳамиятини, қўламини теранроқ англайди.

Инсон боласи ҳаммаша яхши сўзинг гадоси, фидосидир. Яхши кунларни эса орзиқиб кутмаган одам бўлмаса керак. Айниқса, бутун миллат тўлиб-тошиб нишонлайдиган байрамларнинг йўриғи бўлачак.

Хар бир миллат тарихида, дунё давлатлари, дунё халқлари тарихида байрамлар кўп. Жумладан, бизнинг ҳам байрамларимиз талайгина. Аммо ана шу байрамларнинг аввалида ҳуррият байрами, озодлигимиз, эркимиз шодиёнаси саналган Мустақиллик тантанаси туради.

Ишонинг, хар йили халқимиз, айниқса, зиёлилар Президентимизнинг мустақиллик байрамини кўтаришда руҳда ўтказишга тайёргарлик кўриш борасидаги қарорини орзиқиб кутади. Чунки бу байрам эркимизни тиклаган, бағрикенг халқ сифатида 130 дан ортиқ миллату элтни жамулжам қилган, дав-

5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЯНА БИР ЛОЙИҲА

Косонсой туманидаги "Қушон" кичик саноат зонасида жойлашган "Гидро хайтинг" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишга туширилган янги корхонада полиэтилен қувурлар тайёрланади. Лойиҳа ижросига ажратилган 2,7 гектар ер майдонида бинолар барпо этиш ва қувватларни юлғаштириш ҳамда ҳаракатга келтириш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ йўналтирилди.

Тадбиркорлик

— Коммунал соҳага турли ҳажмдаги қувурлар етказиб беришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2 минг тоннадан ортади, — дейди масъулияти чекланган жамият иш бошқарувчиси Абдулла Эгамбердиев. — Айни пайтда 150 дан ортиқ кишилар меҳнат қилмоқда. Улар орасида яқингача хорижда ишлаб юрган 30 нафар ёш ҳам бор. Янги шакллантирилган жамоа учун қўлай шароит яратиш, меҳнатга муносиб маош белгиланган.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари тараққиётнинг муҳим драйвери сифатида истиқболли лойиҳалар ижросининг ишончли майдонига айланмоқда. Хусусан, биргина "Гидро хайтинг" иш бошлаган "Қушон" КСЗнинг 110 гектарлик ер майдонига умумий қиймати 1028 млрд. сўмлик 128 та лойиҳа жойлаштирилмоқда. Улар тўлиқ фаолият бошлагач, 12500 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозирги кунга қадар бу ерда 405 млрд. сўмлик 56 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 4,7 минг нафардан кўпроқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI SHAHRISABZ FILIALI

2023/2024-о'quv yilida bakalvriat ta'lim yo'nalishi bo'yicha bitiruvchilarni hamkorlik shartnomalari hamda buyurtmalar asosida ish joylariga taqsimlashga kirishganini ma'lum qiladi. 2023/2024-о'quv yilida Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrisabz filialini bitirayotgan yosh mutaxassislar to'g'risida ma'lumot

BAKALAVRIAT

Table with columns for Kod, Yo'nalishlar nomi, Bitiruvchilarning umumiy soni, and regional distribution (Qoraqalpoviston, Andijon, Buxoro, Jizzax, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo, Toshkent, Farg'ona, Xorazm, Qashqadaryo, Toshkent shahri, Boshqa davlatlar).

Siz o'zingizni qiziqtirgan yosh mutaxassislar bilan bevosita uchrashib, suhbatlashib, ularning bitiruv ishi himoyalari qatnashib, o'zingizni qiziqtirgan barcha ma'lumotga ega bo'lasiz. Takliflar bilan quyidagi telefon raqamiga murojaat qilishingiz mumkin: 75-522-50-68.

Остона шаҳрида ўтказилаётган «Ўзбекистон кинеси кунлари» доирасида кинохлосмандлар эътиборига «Абдулла Орипов» фильми ва «Яша, хотин» комедияси намойиш қилинди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзиллимиз: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Манбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳих — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6